

ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙНИНГ ФОРСИЙ ИЖОДИДАН ҚИСҚАЧА ТАҲЛИЛ

Feruz Nizamova,

Executive docent of the Chair of “Uzbek language and Classic Oriental literature”

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN

Tel: 90-9047098* Email: nizamovaferuza@iiu.uz

Амир Хусрав форсий адабиётнинг ўз даврида мавжуд барча жанрларида ижод қилди. У рубоийчилик соҳасида ҳам ўхшаши камдан-кам топиладиган файласуф санъаткор. Шоирнинг бутун ижоди Ҳақ, олам, одам, ҳаёт, замин, ишқ тўғрисидаги фалсафий мушоҳадаларга тўла ва бу мерос унда сўз қудрати тўғри йўналтирилиши натижасида бетақрор обидаларга айланган. Бу соҳада эришган катта муваффақиятлари шоирнинг рубоийчилигига ҳам тўла тааллуқли. Рубоийларида бутун шеърятга хос бўлган ишқ мавзуи устувор омил бўлса-да, ижтимоий, фалсафий мушоҳада майдони ҳам жуда кенг. У сўз санъатини пухта эгаллаган мохир санъаткор сифатида, ҳар қандай мавзуни маромига етказа олиши билан кишини лол қолдиради.

Амир Хусрав, аввало, улуғ бир мутафаккир. Айниқса, унинг пири муршиди шайх Низомиддин Авлиё фикрлари унинг кўнглига чуқур ўрнашгани шундоққина кўриниб турибди. У рубоийларида пиридан ўзлаштирган тасаввуфий қарашларини, кўнглига яхши ўтиришгани сабаб, кенг ёйишга ҳаракат қилади. Шоирнинг бизгача етиб келган рубоийлари унинг хаёлини, сўфиёна қарашларда бўлганидек, доимо одам ва олам муаммолари банд қилиб келганини кўрсатади.

اي خيمه كه با فلک مانى راست
تو خود فلکى، كو همت از خيمه، خطاست
گر خيمه من تونى كجا رفت فلک
ور تو فلکى خيمه من گو كه كجاست

Мазмуни:

Эй чодир, чиндан ҳам фалакка ўхшайсан,
Сен фалакнинг ўзисан, чодирдан ҳиммат қани? Бу –хато.
Агар чодирим сен бўлсанг, фалак қайда қолди?
Агар сен фалак бўлсанг, унда чодирим, айт-чи, қани?

Шоирнинг «эй чодир» дея фалакка мурожаат этаётгани ҳам рост. Унинг бутун оламини оддий чодирга ўхшатиши, бу дунёда инсон зотини қийнаётган саволларга жавобни фалакдан кутишга ўрин қолдирмайди. Чунки одам зоти, одатда, ҳаётда муаммоларга дуч келгандагина, фалакка мурожаат қилади. Ундан нималарнидир кутади, умид қилади. Натижада эса, ноумидликлар кўради. Шу ваздан шоир уни оддийгина чодирга айлантиради, кўяди. Демак, ундан «ҳиммат кутмоқлик хато». Фалак ўз остидаги мавжуд ҳар бир нарса ва рўй бераётган ҳар қандай ҳодисага бефарқ. Инсон фалакка юзланар экан, зотан, ундан ҳеч қачон жавоб ололмайди. Дунё Хусрав тасавурида шундай. Фалак остидаги замона найрангларга тўлиб тошган.

ای تن كه بخاک مسكنت خواهد شد
و انكه ز كفن پيرهننت خواهد شد
گفتي كه چه سانسست خاک تاریکي گور
تعجيل مکن كه روشننت خواهد شد

Мазмуни:

Эй тан, тупроқда макон топишинг аниқ,
Кафандан кўйлак ҳам кийишинг аниқ.
«Қабрнинг қора тупроғикандай?» дея сўрадинг,
Шошилма, сенга аён (ёруғ) бўлиши аниқ.

Кўриб турганимиздек, бу ўринда маърифатга эришган кимсадан нур ёғилиб туришига ишора этилмоқда. Маърифат нури ҳатто қоронғи гўрни ҳам нурафшон қилади.

Қуйидаги рубоийдаги ҳаётбахш кайфиятда давр нуқсонларидан ҳам, ҳаётнинг хою-хавасларидан ҳам этак қоққан, бағри кенг инсоннинг қарашлари ўз ифодасини топган.

نى سینه ز حرص زر بر آتش داریم
نى دل ز پى طمع مشوش داریم
نا نجو و آچاهوکنجى خالى
يا رب که چه زندهگانى خوش داریم

(965 / 411 6//2220 /479 6)

Мазмуни:

На олгин хирсидан ўртанган сийнамиз бор,
На тамаъдан ташвишда бўлган дилимиз бор.
Арпа нон, тиниқ сув, холи бир бурчак,
Ё раб, қанчалар ширин ҳаётимиз бор.

Амир Хусрав тариқат зиммасига юклатган оммани Ҳақ йўлига даъват қилиш баробарида, яна халққа унинг ахлоқий мезонлари талабига риоя қилишни хирс ва тамани осонгина махв этишни ўргатади. У ислом муҳотида тариқатнинг оғир қоида ва мезонларини, тушунчаларини тагига етиш қийин бўлган ҳинду мусулмон ижтимоий шароитида, тасаввуфий қарашлар шаклида содда ва оддий ифодалар орқали талқин эта олган. Яъни, Амир Хусрав ўзининг исломий ва ахлоқий қарашларни тарғиб қилувчи тасаввуф сулуқининг вакили даражасидаги шахслигини намоён этади. Бунинг натижасида у ҳам жамиятда ва ҳам ўзининг ҳаммаслақлари даврасида ҳақли шуҳратга эга бўлади. Ўз пиридан олган ғояларни гўзал бадиий ифодалар билан бошқаларга етказди. Айни шу хислатлари билан ҳам у шайх Низомиддиннинг меҳрини қозонди.

Демак, Амир Хусрав Дехлавий дунёқарашида ижтимоий-фалсафий муаммолар чиштига ғоялари билан қоришган ҳолатда талқин қилинади ва бу билан уларнинг халқчиллиги таъминланган. Амир Хусрав тариқат зиммасига юклатган оммани Ҳақ йўлига даъват қилиш баробарида, яна халққа унинг ахлоқий мезонлари талабига риоя қилишни ўргатади. У ислом муҳотида тариқатнинг оғир қоида ва мезонларини, тушунчаларини тагига етиш қийин бўлган ҳинду мусулмон ижтимоий шароитида, тасаввуфий қарашларни рубоийлар шаклида содда ва оддий ифодалар орқали талқин эта олган.

References

1. Алишер Навоий. «Фарҳод ва Ширин». Муқаммал асарлар тўплами, 8-т. -Т.: Фан, 1991. –Б.424.
2. Nasirova, M. A. (2019). THE CONTRIBUTION OF THE OUTSTANDING MAVARANNAHRIAN SCHOLAR MAHMUD AZ-ZAMAKHSHARI INTO THE WORLD LINGUISTICS. *Theoretical & Applied Science*, (10), 755-759.
3. Nasirova, M. (2020). SEMANTIC CLASSIFICATION OF AUXILIARY VERBS IN ARABIC LANGUAGE. *The Light of Islam*, 2020(3), 141-149.
4. Rustamiy, S. (2016). “Esasu-l-belaga” ve “Divan-u lugat-it-türk” eserlerinin dil bilimi ve belagat bilimiyle ilgili yönleri. *Electronic Turkish Studies*, 11(20).
5. Rustamiy, S. (2018). Typological peculiarities of science of balaghah, rhetoric and stylistics. *The Light of Islam*, 2018(1), 16.
6. Rustamiy, S. (2019). On significance of science of Balāğat in achieving linguisticaesthetic perfection. *The Light of Islam*, 2019(4), 14.
7. Feruza, Nizamova (2019). Amir Khusrav's literary heritage in applied art rituals // *Theoretical & Applied Science. International Scientific Journal. Philadelphia, USA. 24.09.2019* –Pp. 189-195.
8. Feruza, Nizamova (2019). Technological Issues and Innovative Solutions of Learning Ruba'is of Amir Khusrow Dehlavi // *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*, ISSN: 2278–3075 (Online), Volume-9 Issue-2, December 2019, Page No. 4792-4798.
9. Feruza, Nizamova (2019). Амир Хусрав бадиий меросида бадиият анъаналари // *Ислом зиёси. - № 4. –Т., 2019. – Б 123-130.*

10. Feruza, Nizamova (2020). Study of Amir Husrow Dehlavi s rubais // The Light of Islam. –Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020. –№ 3. –Б. 150-159.
11. Shoaliyeva, Nargiza (2019) "Seven stages in “mantic ut-tyre” (“the journey of logic”) by attar in sukhrob sipehri’s poem “adress”, The Light of Islam: (2019) 4, 19.
12. SHOALIYEVA, Nargiza (2018) "HUMAN AND MYSTICAL(IRFAN) PERFECTION IN SOHRAB SEPEHRI’S POETRY», The Light of Islam: 2018 (4), 5.
13. Matibaeva, Raziya (2019) «SACRALIZATION AND TRADITIONALIZATION OF PERSONALITY ABU KHANIFA IN MAVARANNAHR», The Light of Islam: 2019 (4), 3.
14. MATIBAYEVA, Raziya (2019) «THE DEVELOPMENT OF KHANAPHISM IN MAVARANNAKHR», The Light of Islam: 2019 (3), 16.
15. Матибаева, Р. Б. (2019) Редкая рукопись по ханафизму «Манакіб Аби Ханифа» / Молодой ученый. — 2019. — № 36 (274). — С. 71-74.
16. Матибаева, Р. Б. (2020) Научно-духовное наследие имама Абу Ханифы / Молодой ученый. — 2020. — № 42 (332). — С. 282-284.
17. Матибаева, Р. Б. (2020) Имам Абу Ханифа и теория познания / Исследования молодых ученых: материалы XIV Междунар. науч. конф. (г. Казань, ноябрь 2020 г.) –Казань: Молодой ученый, 2020. – С. 70-71.
18. Matibaeva Razia Baltabaevna. (2020). USE OF SHORTS IN TRAINING EASTERN LANGUAGE. *Archive of Conferences*, 9(1), 15-16.